

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА МАДИНА ЗАЙНОБИДИНОВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА БАХТЛИЛИК ВА БАХТСИЗЛИК
КОНЦЕПТУАЛ БИНАР ОППОЗИЦИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

УДК: 811.512.133'366.552

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Қосимова Мадина Зайнобидиновна

Ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал бинар
оппозицияси..... 3

Kosimova Madina Zaynobidinovna

Conceptual binary opposition of the concept "happiness and unhappiness" in
Uzbek and English.....

Қосимова Мадина Зайнобидиновна

Концептуальное бинарное противопоставление понятий счастье и
несчастье в узбекском и английском языках.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА МАДИНА ЗАЙНОБИДИНОВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА БАХТЛИЛИК ВА БАХТСИЗЛИК
КОНЦЕПТУАЛ БИНАР ОППОЗИЦИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fi11515 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шахабитдинова Шохида Хошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Тоирова Наргиза Исаковна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Улуқов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

М.И.Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни антропоцентрик, аксиологик, маданий ва когнитив ёндашувлар асосида тадқиқ қилиш устуворлик касб этмоқда. Турли тизимли тилларда менталитал тузилмалар ва уларнинг лисонда ифодаланиши муаммоларига бағишланган чоғиштирма тадқиқотлар уларнинг умумий, хусусий ва уникал жиҳатларини аниқлаш асосида дунёнинг тафаккурий тузилиши ҳақидаги тасаввурларни яна ҳам кенгайтиради ва турли элатлар турмуш шаклига бўлган лингвомаданий ёндашувнинг мустаҳкамланиши масаласи соҳа тараққиётига хизмат қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида концептуал майдон образли таркибининг халқ миллий маданияти, дунёқарашининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқлиги мазкур миллатнинг менталитети, тафаккури, этик ва эстетик онги ҳақида тасаввур ҳосил қилиши ва унинг қадриятлари, урф-одатларини авлоддан авлодга етказиши билан миллат тафаккурининг ажралмас бўлаги саналади. Оламнинг лисоний манзараси ва унда концептларнинг тутган ўрни масалаларининг антропоцентрик йўналишда ўрганилиши этноснинг эстетик онги, тафаккури ва баҳолаш категориясининг вербаллашуви тамойиллари концептология, прагматика, аксиология, семиотика ва лингвомаданиятшунослик соҳасига оид тадқиқотларнинг янада ривожланишига туртки беради.

Глобаллашув жараёнлари туфайли генеологик жиҳатдан қардош бўлмаган ўзбек ва инглиз тиллари тизимидаги концептларнинг олам лисоний палитрасида тутган ўрни ва хусусиятларини аниқлаш, баҳо категориясининг вербаллашуви имкониятларини ўрганиш, вербализаторларнинг маданиятлараро концептуал умумий ва фарқли жиҳатларини бугунги кун тилшунослигининг сўнгги ютуқларига таяниб, замонавий тилшунослик методлари асосида тадқиқ қилиш эҳтиёжи туғилмоқда. Шундай тадқиқотлар қаторига ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал майдон бирликларини таҳлил этиш вазифасини ҳам киритишимиз мумкин. Мамлакатимизда таълим ва тарбия давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда «...ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз»¹. Таълимни такомиллаштиришда инновацион ғояларнинг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши чет тилни ўргатишда тилнинг концептуал ўзига хосликлари, миллий-маданий омилларнинг роли амалий тилшуносликнинг илмий тадқиқотлар корпусини кўтаришни муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.14

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида концепт, унинг назарий талқини ва лисонда акс этиши масалаларига бағишланган тадқиқотлар ғарб ва рус тилшуносларидан В. фон Гумбольдт, Р.В.Лангакер, Дж.П. Лакофф, Н.Д.Арутюнова, С.Г. Воркачев, В.А. Маслова, В.И.Карасик, Е.С.Кубрякова, Е.А.Огнева, В.Н.Телия, А.П.Чудинов, Т.Н.Федотова, А.Г.Вежбицкая, Ю.Д.Апресян, И.Ф.Стернин, Ю.С.Степанов, В.А.Маслова, А.Т.Хроленко, Р.Н.Попова, А.П.Бабушкин, О.А.Корнилов² тадқиқотларида кузатилади.

² Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1984. – С. 43-400; Lakoff G. The Contemporary Theory of Metaphor/Metaphor and Thought – Cambridge: Cambridge University Press, 1993.; Jackendoff R. What is a concept?//Frames, fields and contrasts. New Essays in semantics and lexical organization. – Hillsdale: 1992. – P. 191-209.; Langacker R.W. Concept, Image, and Symbol: the cognitive basis of grammar. – Berlin, New York: Mouton de Gruyter, 1991. – 395 p.; Rosh E. Cognitive Representation of Semantics Categories//Journal of Experimental Psychology.1975. – Vol.104. – P.192-233.; Федотова Т.Н. Лексико-семантическое поле красоты в современном русском языке: дисс...канд. фил. наук. – Казань, 1999. – 150 с.; Попова З.Д. Язык и национальная картина мира. – Воронеж, 2003. – 60 с.; Стернин И.А. Национальная специфика мышления и проблемы лакунарности //Связи языковых единиц в системе реализации: межвуз. сб. науч. тр. – Тамбов: ТГУ, 1998. – С.22-31.; Корнилов О.А. Языковая картина мира как отражение национальных менталитетов: автореф.дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2000.; Вежбицкая А.Г. Понимание культур посредством ключевых слов.//А.Вежбицкая. – Москва: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.; Апресян Ю.Д. Избранные труды, том 1. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. 2-е изд., испр. и доп. – Москва: Школа языков русской культуры, 1995. – 380 с.; Кубрякова Е.С. Язык и знание: на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения: роль языка в познании мира. – Москва: Яз.славян. культуры, 2004. – 288 с.; Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику: учеб. пособие. – 2-е изд., испр. – Москва: Флинта: Наука, 2006. – 296 с.; Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. – Москва: Флинта, Наука, 2009. – 181 с.; Арутюнова Н.Д. Образ: опыт концептуального анализа // Референция и объемы текстообразования. – Москва: Прогресс, 1998. – С. 35-40.; Корнилов О.А.Языковая картина мира как отражение национальных менталитетов: дисс... автореф. канд. филол. наук. – Москва, 2000.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Москва: Гнозис,

Ўзбек тилшунослигида А.А.Абдуазизов, Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, М.Р.Галиева, А.Э.Маматов, М.Н.Холбеков, Ў.Қ.Юсупов, А.А.Қамбаров, Қ.Н.Назаров, Т.К.Мардиев ишларида муайян даражада ўрганилган³. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, концепт-антиконцепт муносабатлари муаммолари бахтлилик-бахтсизлик каби умуминсоний қадриятларнинг лисоний ифодаси мисолида ўзбек ва инглиз тиллари материаллари асосида чоғиштирма усулда текширилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андажон давлат университетининг ОТ-Ф1-18 рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шаклантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” (2017–2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал тизими ифодаловчиларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бахтлилик ва бахтсизлик бинар оппозицияси орқали тилда намоён бўлувчи миллий-маданий хусусиятларнинг ўзбек ва инглиз тилларига хос жиҳатларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларининг этник жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда зарурий лексик бирликларнинг миллий-маданий ва лисоний хусусиятларини аниқлаш;

2004. – 390 с.; Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. Воронеж, 1996.– С.43-67; Воркачев С. Г. Концепт счастья: понятийный и образный компоненты //Известия Российской академии наук. Серия литературы и языка. – 2001. – Т. 60. – №. 6. – С. 47-58.; Воркачев С. Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании //Филологические науки. – 2001. – Т. 1. – №. 1. – С. 64-72; Воркачев С. Г., Дербишева З. К. Уникальность универсалий: счастье в русской и киргизской лингвокультурах //Актуальные проблемы филологии и педагогической лингвистики. – 2017. – №. 4 (28) – С.78-86; Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты / В. Н. Телия. – М.: Наука, 1996; Чудинов А. П. Россия в метафорическом зеркале: когнитивное исследование политической метафоры (1991 - 2000): Монография / А. П. Чудинов. – Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т, 2001. – 238 с; Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. М., 1997;Хроленко А. Т. Лингвокультуроведение: Учебное пособие. — Курск: Крона, 2000. – 184 с.

³ Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2007. – №3. – Б.34; Ашурова Д.У. Перспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики //Филология масалалари, №4 – Тошкент, 2004. – С. 24-28.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 98 с.; Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/ сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 2010. – 130 с.; Юсупов У. К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007.; Холбеков М.Н. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в контексте перевода, критики и восприятия): автореф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991.; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? //Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари: илмий амалий анжуман материаллари. – Андижон – Тошкент, 2000. – Б. 56.; Қамбаров Ғ.С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): филол. фанл. номз... дисс. – Тошкент, 2008.; Мардиев Т. К. “Бахт” концептининг лингвомаданий ва семантик талқини (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида)// Хорижий филология. №4, 2016.– Б.36-43

Ўзбек ва инглиз миллати лисоний мулоҳазасида бахтлилик ва бахтсизлик концептларининг вербаллашуви масалаларини қиёсий ва чоғиштирма планда таҳлил қилиш;

Ўзбек ва инглиз тилларида ифодаланган бахтлилик ва бахтсизлик концептлари семантикасини лексик, фразеологик бирликлар, шунингдек, паремиялар таҳлили орқали тавсифлаш;

Ўзбек ва инглиз тилларида ифодаланган бахтлилик ва бахтсизлик концептлари лексик-семантик майдон бирликларини жамлаш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал тизимини ифодаловчи тил бирликларидир.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал тизимининг лингвомаданий, семантик ва этик-эстетик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-чоғиштирма, маданиятлараро чоғиштирма, концептуал, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив таҳлил, таснифлаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

концепт тушунчадан фарқланиб, ўзбек халқи тасаввурида бахт ҳақида стереотипик тасаввурлар 21 хил, инглиз этник-стереотипик қарашларида эса 20 хил кўринишда ўз ифодасини топиши, бунда ўзбекларда илоҳий тушунчалар дастлабки ўринларни эгалласа, инглизларда маиший ютуқлар юқори туриши аниқланган;

Инглиз тилида бахтлилик ва бахтсизлик концептлари кўпроқ шахсий манфаатларга асосланиши, ўзбек тилида эса ушбу концептлар жамоавий кечинмалар билан аралашини далилланган;

Ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал майдонида образли таркиби антропоморф, зооморф, фитоморф, архитектур ва гастрономик, шунингдек, предмет ва тиббиёт соҳасига оид тегишли бирликлар асосида шакллантирилган 8 хил фрейм, 24 хил слотлар аниқланган;

Ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизликнинг образли таркиби ўхшаш мезонлар асосига қурилган бўлса-да, миллий ва маданий, диний, иқтисодий, ареал ва лисоний асосларга эга хусусий жиҳатлари мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

лисонда баҳо категорияси ифодаланишининг хусусиятлари, лексик, фразеологик бирликларнинг деривацион ўзига хосликлари таҳлиллари натижасида оламнинг бахтлилик ва унинг антиконцептига хос образли манзараси асосланган;

қиёсланаётган тилларда бахтлилик ва бахтсизлик концептуал тизими ифодаловчиларининг лексик-семантик майдони шакллантирилган;

бахтлилик ва бахтсизлик концептлари бадий асарлар ҳамда изоҳли фразеологик, паремиологик, фалсафий луғатлар яратиш жараёнларининг мукамаллашувида аҳамиятли эканлиги белгилаб берилган;

бахтлилик ва бахтсизлик бинар оппозициясининг икки тил материалида чоғиштирма таҳлил этилиши, инсон туйғуларини ифодаловчи концептларни ўрганишда мавзуга оид тадқиқотлар учун муҳим манба сифатида қўлланилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзу бўйича чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ ёритилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг фактик тил материалларга асосланганлиги ва хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лингвомаданий, эмоционал ва когнитив муносабатлар, инсон тафаккурининг атроф-олам билан муносабати манзарасининг лисонда ифодаланиши, баҳо категорияси ва унинг тилда ифодаланиши каби масалалар тадқиқида, концептуал тизим вербаллашуви муаммоларига замонавий ёндашувда қўл келиши билан изоҳланади;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулосалардан «Когнитив тилшунослик», «Лингвомаданиятшунослик», «Умумий тилшунослик», «Услубият», «Матн лингвистикаси», «Таржима назарияси ва амалиёти» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, курс ва битирув-малакавий ишларини ёзишда, махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал бинар оппозицияси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Мазкур тадқиқот илмий натижалари ва хулосаларидан ўзбек тили таълимида матннинг лингвомаданий таҳлилларига таянган ҳолда ўқувчиларда нутқ маданиятини ривожлантириш, уларни маданиятлараро мулоқотга тайёрлашга доир дидактик материаллари ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021йил 14 апрелдаги 03.03.424-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим тизимида давлат тили, она тили ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, ўқувчиларда мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга эришилган ҳамда олинган илмий натижалар таълим сифатини янада оширишга хизмат қилган;

Ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал бинар оппозицияси бўйича олиб борилган тадқиқотнинг асосий хулосаларидан, АҚШнинг Огайо университети профессори Жерард Крзис томонидан ўзининг маърузаларида фойдаланилган (АҚШ, Огайо университетининг 2021 йил 15 январдаги маълумотномаси). Натижада маърузаларда халқаро глобаллашув шароитида лисоний когнитив тизимда антиконцептларнинг тутган ўрни ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал тизимини ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари,

вербаллашувини чоғиштириш йўли билан очиб беришга эришилган; маърузаларнинг илмий асосланганлиги ва амалий унумдорлиги ортган.

Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори В.Герасименконинг университетнинг экономика факультети талабалари учун маърузаларида диссертациядаги концептуал тизимининг лингвомаданий, семантик ва этик-эстетик хусусиятлари ҳақидаги материаллардан фойдаланилган (Ломоносов номидаги Москва давлат университети 15.01.2021). Натижада маърузаларда халқаро глобаллашув шароитида лисоний когнитив тизимда антиконцептларнинг тутган ўрни ўзбек ва инглиз тилларида бахтлилик ва бахтсизлик концептуал тизимини ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари, вербаллашувини чоғиштириш йўли билан очиб беришга эришилган.

«Бахтлилик ва бахтсизлик» концептуал майдонининг ўзбек ва инглиз тилларида бадий-образли ифода воситалари таҳлиliga оид илмий натижалардан 2021 йилда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Адабий жараён”, “Жахон адабиёти”, “Таълим ва тараққиёт”, эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилди ва муаллиф билан суҳбатлар уюштирилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканал” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 24 майдаги 04-25-822-сон маълумотномаси). Натижада концептуал майдон образли таркибининг халқ миллий маданияти, дунёқарашининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқлиги мазкур миллатнинг менталитети, тафаккури, этик ва эстетик онги ҳақида тасаввур ҳосил қилиши ва унинг кадриятлари, урф-одатларини авлоддан авлодга етказиши билан миллат тафаккурининг ажралмас бўлаги эканлиги каби илмий хулосаларидан ушбу эшиттиришларнинг мазмуни бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва ишга оид иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари

баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи бобида **“Лингвомаданий концепт дунё лисоний манзарасининг ажралмас қисми сифатида”** кўриб чиқилади. Боб уч қисмдан иборат: “Тилнинг семантик тузилиши ва концептосфера”, “Концепт – когнитив ва лингвомаданий категория”, “Бахтлилик ва бахтсизлик бинар оппозицияси лисоний талқинига доир кузатишлар: назарий-фалсафий асослар, амалий тадқиқот йўналишлари.”

Когнитив тилшуносликнинг ривожини тил бирликлари билан ишлашда бир қатор атамаларни кейинги йилларда анча фаол қилиб юборди. Хусусан, оламнинг лисоний манзараси, концепт, фрейм, когнитив сценарий кабилар. Тил бирликларини тилнинг имманент – ички хусусиятларини аниқлаш учун ўрганишдан, тилнинг инсон ва борлиқни боғлаб турувчи, муносабатга киритувчи, шу муносабатларни шакллантирувчи восита сифатида ўрганишга ўтиб бориш XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошидаги тилшуносликнинг устувор йўналишига айланди. Бу эса тилшуносликни бир қатор фанлар, хусусан, социология, психология, этнология, антропология, биология кабилар билан кесишувига олиб келди. Тилни оламнинг манзараси билан боғлиқликда кўриш ва олам манзарасини шакллантирувчи сифатида баҳолаш ҳам мана шу кесишувлар доирасида вужудга келди. Концепт атамаси тилшуносликда бир вақтнинг ўзида ҳам қадимий, ҳам навқирон термин ҳисобланади⁴. В.З.Демьяненко концепт атамасининг қўлланилиши ва семантик тузилишининг эволюциясига тўхталар экан, мумтоз лотин адабиётида муайян фикрнинг пайдо бўлиши, шаклланиши маъносида қўлланилишини, ўрта асрлар италян, француз, немис адабиётида ҳам турли маъноларда (эмбрион, тушунча, тасаввур, фикр, ғоя, режа, экстравагант бадий образ, конспект ва ҳ.к) учрашини таъкидлайди⁵. Концепт атамасининг бугунги кун когнитологиясида қўлланилаётган маъноси С.А. Аскольдовнинг 1928 йилда нашр этган «Концепт ва сўз» номли мақоласига бориб тақалади. Бироқ, С.А. Аскольдов кўтарган мазкур масала ўтган асрнинг ўрталарига қадар жиддий ёндашувлар асосида ўрганилмади⁶. 1956 йилнинг 11 сентябрида Массачусетс технология институтида ўтказилаётган симпозиумда Жорж Миллер («7+2 сеҳрли сони») тилшунос Ноам Хомский («Тилнинг уч модели») Ален Ньюэлл («Логик назарийчи») томонидан тақдим этилган маърузаларда когнитив тадқиқотларни ягона бир фан доирасида, ягона бир «соябон» остида бириктириш фикри олға сурилди⁷. Айнан ўша чоғдан бошлаб, когнитология турли фан соҳалари чорраҳасида юзага келган фан⁸ сифатида қизиқишлар

⁴ Маслова В. А. Введение в когнитивную лингвистику. – М.: Флинта: Наука, 2006. – С.31

⁵ Демьянков В. З. Термин «концепт» как элемент терминологической культуры [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.infolex.ru/FOR SHV. HTM> //Дата доступа. – 20.07.2020.

⁶ Маслова В. А. Кўрс. асар – С. 31

⁷ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик //Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 20.

⁸ Сафаров Ш. Кўрс. асар – Б.19

уйғота бошлагани натижаси ўлароқ соҳага доир атамалар, тушунчалар дифференцияси юзага келди. Диссертацияда концептшуносликка доир катта материал таҳлилга тортилган. Бизнингча, концепт инсоннинг атроф-олам билан муносабати натижаси ўлароқ вужудга келган идрок маҳсули бўлиб, инсон онги ва тафаккурида ниҳоятда ранг-баранг палитра ва лингвистик ва паралингвистик ифода планига ва майдон тузилишига эга бўлган умумий-мажмуавий категориядир. Концептни айримлар тушунча билан тенглаштирадилар, айримлар тушунчанинг ҳам конкрет таркиби билан мутаносиб, деб ҳисоблайдилар.⁹ Айнан шундай қараш кенг тарқалган. Баъзилар эса концепт сифатий хусусият ташувчисидир, деб баҳолайдилар. Масалан, И.Г.Беседина бадийлик концепти борасида тадқиқот олиб боради ва бу концептни бадий матн концептосферасининг бир қисми сифатида тушунади. Бизнингча эса, концепт борасидаги қарашларида И.А.Стернин анча мукамал ва концептни шу пайтгача мавжуд бўлган бошқа атамалар, тушунча, семема, маъно, тус (оттенки)лар дан аниқ фарқлаб бера олган, у концептда информатив моментга урғу беради.¹⁰ Тилни инсон онгида шаклланган концептосфера калити, деб баҳолайди.

Демак, когнитив сатҳда концепт ва тушунча, гарчи бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлса-да, алоҳида талқин майдонида эга эканлигини унутмаслик зарур. Хусусан, тушунча концептнинг ядро элементи, иккаласи ҳам когнитив тартибда фаоллашади, бироқ, структур-семантик шаклланиши жиҳатидан концепт архитектуроникаси тушунча архитектуроникасидан кўра анча мураккаб. Бундан ташқари, концепт тушунчадан фарқли ўлароқ, нафақат тафаккур қилинади, балки бошдан ўтказилади, ҳис қилинади. Шунинг учун ҳам концептнинг кўлами тушунчаникидан анча кенг¹¹.

Концепт, бизнингча ҳам, триада таркибига эга, яъни: 1) ментал схема (муайян концепт билан тўқнаш келганда инсон онгида пайдо бўлувчи схема-тасвир. Бу жуда ҳам индивидуал характерга эга бўлиб, инсоннинг идрокий компетенцияси ва тажриба моделига мувофиқ воқеаланади); 2) концепт хотираси (эволюцион динамикаси); 3) фаол идентификацион таркиб (ифода ёки ишора плани воситалари). Мазкур таркибни ҳам ўз навбатида икки қисмга бўлган бўлар эдик: ифода плани (лингвистик сатҳда воқеаланиши) ҳамда ишора плани (паралингвистик сатҳда воқеаланиши).

Концепт, бизнингча, тушунчадан ўзининг ифодаланиш ва қабул қилиниш жиҳатига кўра фарқ қилади. Масалан, «тўрт фаслдан бири, қишдан кейин, ёздан олдин келади, март, апрель, май ойларида иборат, об-ҳаво

⁹ Карасик В.И. Ценностная картина мира: межкультурный аспект/ Языковое сознание: содержание и функционирование. Психоллингвистика ва коммуникация назарияси бўйича XIII Халқаро симп.: маърузалар тезислари / Е.Ф.Тарасов ред. остида. – М.: РАН ИЯ, 2000. ; Калищук Д.М. Базовые концепты современного англоязычного дискурса. Концепт «демократия»// Леся Украинка номидаги Волинск миллий ун-ти илмий хабарномаси. – Луцк, 2009. 16-сон: Филологические науки. Языкознание. – Б. 81-85.; Чижова Л.Е. Специфика репрезентации концепта здоровье в речевом этикете//Саратов ун-ти янгиликлари. Янги серия. Филология. Журналистика. серияси – 2009. – 1-нашр. – Б. 46 – 49

¹⁰ И.А.Стернин Основные компоненты структуры концепта и проблема сопоставления концептов//Язык и национальное сознание Вып. 10 Продолжающееся научное издание Воронеж 2008 – 203/4-23 – С.4

¹¹ Концепты культуры и концептосфера культурологии: коллективная монография; науч. ред. ЛВ Никифорова, АВ Конева; Российский гос. пед. ун-т им. АИ Герцена. – 2011. – С.21

мўътадил-ёқимли, табиат гўзал бўлган давр» тушунчаси б+a+x+o+p товуш/фонемалар тизими билан ифодаланади, бу ифодани эшитган/ўқиган/миясида сақлаган тил ташувчиси уни бевосита юқоридаги тушунча билан боғлайди. Дарҳақиқат, бу ўринда тушунча ва концепт тенг келади. Бироқ, **Баҳор келди** жумласига тенг мазмун ифодаловчи **Бойчечак очилди, Бодом гуллади, Қушлар учиб келди, Наврўз келди** жумлаларида тушунча ҳақида гапириш қийин. Ушбу жумлаларда баҳорга ишорани таъминловчи компонентни концепт деб ҳисоблаймиз. Концептнинг тушунчадан фарқи шундаки, тушунча аниқ ифода билан боғланади ва бу ифоданинг айнан шу тушунчани ташиши муайян конситуацияни талаб қилмайди. Концепт эса муайян тушунча таркибида тус (отенок) сифатида мавжуд бўлади ва унинг юзага чиқиши маълум конситуацияни у ёки бу даражада талаб қилади. Тил ташувчиси ўз она тили бирликларининг тушунчавий таркиби ва концептив аурасини яхши ҳис қилади, аммо бошқа тил эгалари учун бу муайян тажриба босқичини талаб қилади. Бу эса тилнинг инсон яшовчи муҳит ва у мансуб бўлган миллатнинг менталитал-маданий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқади. Когнитив тилшуносликка оид адабиётларда фаол қўлланилаётган гештальт, слот, фрейм ва ҳкз. атамалар тавсифини кузатар эканмиз, бу атамаларнинг тилга оид жиҳатларидан ҳам кўпроқ улар дастлаб пайдо бўлган ва қўллана бошлаган соҳаларда намоён бўлувчи томонлари талқин этилаётганини кўрамиз. Бу биринчидан тилшуносни асосий объекти – тилдан чалғитади; иккинчидан, унинг тадқиқида дилетантлик белгилари юзага келишига олиб келади. Биз фреймни концептни юзага чиқарувчи қолип – шароит сифатида тушунамиз. Ушбу қолип слотлар – таркибий қисмлардан иборат бўлиб, фреймлар ҳам ўз навбатида тўр бўлиб боғлана олади. Хусусан, юқоридаги мисолимизга қайтсак, **Бойчечак очилди, Бодом гуллади, Қушлар учиб келди, Наврўз келди** жумлаларидаги **бойчечак, бодом, қушлар, наврўз** сўзларида **баҳор** концептининг юзага келиши учун уларнинг ҳар бирида баҳор билан боғлиқлик мавжудлигига доир когнитив ахборот тил ташувчиси онгида бўлиши шарт, аммо биз бу ахборотни лисоний шаклланган ҳолатини кузата оламиз, холос, ахборотни шакллантирувчи ва қабул қилувчи онгидаги фреймларнинг (когнитив ахборотнинг) нақадар мутаносиблиги тушуниш даражасини белгилайди. Албатта, фрейм учун асос бўлган маълумот ниҳоятда кенг ва тил эгасининг миллий, этник, антропологик, маданий, гендер, ижтимоий ва ҳкз. жиҳатларига кўра маълум даражада фарқланади. Шу билан бирга ҳар бир тил эгаси ўз она тилида мавжуд бўлган стандарт фреймлар тўрини кичик таҳрирлар билан ўз онгида сақлайди. Хусусан, ҳар бир ўзбек **Бойчечак очилди, Бодом гуллади, Қушлар учиб келди, Наврўз келди** жумлаларини эшитиши билан, баҳор келганини тушунади (**баҳор** концептини илғайди), шу билан бирга, **баҳор концепти баҳор тушунчаси** билан тенг эмаслигини ҳам билади. **Бойчечак очилди** баҳор келганини билдиради, аммо календардаги баҳор – тушунчадаги баҳор билан тенг келмаслиги мумкин. **Баҳор келди** жумласининг ўзи ҳам календардаги

баҳорни доим ҳам ифодалайвермайди. Демак, баҳор сўзида ҳам баҳор тушунчаси, ҳам концептини ифодалаш имкони мавжуд, шунинг учун бу сўз баҳор концептини юзага чиқарувчи фреймлар тўри марказида туради. Таъкидлаш жоизки, баҳор концептини ифодалаш учун йўналтирилаётган барча сўзларнинг ўз тушунчаси бор. Уларнинг ўзи ифодаловчи тушунча билан бирга//тушунчадан айри муайян фреймда муайян концептни ифодалашини таъминлаб берувчи структура гештальт дейилади. Муайян концептни фреймда тушуниб етиш – ажратиб олиш йирик тизимли билимлар – гештальтни тақазо қилади.

Тил ҳар қандай маданиятнинг миллий ўзига хослиги ва жамики менталитет хусусиятларини акс эттирувчи фундаментал элементи ҳисобланади. Турли маданий майдонда яшовчи инсонларнинг онгидаги лисоний манзара турлича эканлиги шубҳасиз. Уларнинг мулоқоти доирасида бу ўзгачаликлар ўз аксини топмай иложи йўқ. Инсоният учун энг аҳамиятли феномен бўлган «бахт» турли маданиятлар томонидан турлича талқин қилинади. Бу турличалик уларнинг она тилида ўз аксини топади. Шу билан бирга бир тилни она тили сифатида тан олувчи икки жинс вакиллари ҳам бу борада ўзига хос манзара яратадилар. Бахт инсон руҳониятининг ажралмас қисми бўлгани сабабли, унинг тадқиқи конкрет жамиятнинг деярли барча миллий-менталитал-маданий жиҳатларини қамрабгина қолмай, миллатларнинг ўзаро фарқли когнитив тизимини баҳолашда ҳам тенгсиз манбалар бера олади. Ўзбек миллатининг бахтлилик сценарийси кенг қамровли бўлиб, ўзбеклар менталитетида инсоннинг шахсий бахти ва ижтимоий бахти изчил фарқланади ва айнан шахсий бахт ушбу тизимнинг марказида туради. Бахтга муносабат ўзбек халқининг шарқона менталитети, исломий анъаналар таъсирида изчил гендер фарқларга эга бўлса-да, шахсий бахт эркаклар когнитив сценарийсида ҳам, аёллар когнитив сценарийсида ҳам марказий позицияни эгаллайди. Аммо бахтлилик/бахтсизлик концептларининг бошқа узвлари талқинида ёрқин гендер фарқлар намоён бўлади. Ушбу когнитив сценарий репрезентацияси учун йўналтирилган вербал ифодалар ва уларнинг новербал альтернативлари ўзбек тилида анча кўп эканлиги шубҳасиз. Новербал воситалар ҳам когнитив тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўла олади, чунки уларни англаб етиш тил бирликлари билан ҳар иккисининг ҳам шартли белгилик хусусиятидан келиб чиқиб юзага келувчи умумий системавий муносабатларига асосланади.

Бахтлилик ва бахтсизликнинг инглиз этномаданий қарашларидаги талқини майдони ҳам универсалиялар ва фарқли хусусиятлардан иборат. Бахт (happiness) концептининг этимологик таҳлилига кўра айтиш мумкинки, унинг стереотипик тасаввурдаги акси бевосита тақдир тушунчаси билан чамбарчас боғланган. Инглизлар қадим-қадимдан инсоннинг бахтли ёки аксинча ҳаёт кечириши тақдирдан эканлигига қаттиқ ишонишган, бахтни омад тушунчаси билан ёнма-ён қўйишган ва бахтли инсонларни «омад

юлдузи остида туғилган» эканлиги билан таърифлаш тенденцияси мавжуд бўлган (*be born under a lucky star*)¹².

Бахт лексемасининг структур-семантик ва квантор таҳлили ҳар икки тилда ҳам унинг асосида соғлик, оила, омад, хурсандчилик ва фаровонлик каби универсал семантик компонентлар ва уларга ёндош (периферик) идиоэтник бирликлар ётишини кўрсатади. Кўринадики, ўзбек ва инглиз этномаданий талқинида бахт ва унинг антиконцепти ҳақидаги тасаввурларда асрлар оша амал қилинган қадриятлар, тамойиллар ва ахлоқий жиҳатлар, халқнинг фалсафий қарашлари, шунингдек, уларнинг турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари ва муайян ўзгаришлар асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мазкур концептлар фақатгина ижтимоий турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий кўринишларни ифода этибгина қолмасдан, миллатнинг қадриятларини ҳам акс эттирувчи тушунча сифатида қабул қилиниши мумкин.

Ишнинг иккинчи боби «Бахтлилик ва бахтсизлик бинар оппозициясининг ўзбек ва инглиз тилларида вербализация масалалари»га бағишланган ва қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: «Концепт вербализацияси муаммолари ва концептуал майдон тузилишининг ўзига хос хусусиятлари», «Концептуал таҳлил масаласи ва унинг методологик асослари», ««Бахтлилик ва бахтсизлик» таянч лексик-семантик бирликларининг ўзбек ва инглиз тилларида генезиси», «Ўзбек ва инглиз тилларида «бахтлилик ва бахтсизлик» концептуал майдон бирликларининг лексик сатҳда ифодалаш воситалари таҳлили». Концепт ва сўз ўртасидаги алоқа ҳақида гап борар экан, сўз ифодалаган маъно ва концепт ўртасидаги мутаносиблик масаласи ҳам жуда баҳс-мунозарали масала эканлигини таъкидлаш жоиз. Баъзи тилшуносларнинг фикрича, сўз концепт ифодалаган маънони тўлиқ акс эттира олади¹³. Бошқа бирлари таъкидлайдики, сўз маъноси ва тегишли концепт ўртасида мутаносиблик бўлиши мумкин эмас, чунки концепт кўлами сўзникидан кенг бўлиб, лексик бирликлар семаларида концептнинг фақатгина муайян концептуал белгилари акс эта олади холос¹⁴. Концепт ва унинг ифода белгиси ўртасидаги мутаносиблик А.Н.Приходько фикрига кўра, сифат симметрияси ва микдорий ассиметрия орқали аниқланади. Сифат симметрияси концептнинг ягона тил белгисига тўлиқ мос кела олмаслигини ва муайян белги фақат бир концепт учунгина қўлланила олмаслигини, микдорий ассиметрия эса, пировард натижада, унинг бир нечта турдаги тил бирликлари билан ифодалана олиш имкониятини англатади¹⁵. Яъни, бахт концепти фақат бахт сўзи билан эмас, турли бирликлар орқали (толе, иқбол, омад ва ҳ.к) ифодаланади, ўз навбатида ушбу бирликлар ҳам бошқа концептлар ифодаси учун периферик элемент бўлиши мумкин,

¹² Лагаева Д. Д. Лингвокультурный концепт «счастье» в калмыцком и английском языках : автореф. дис.... канд. филол.наук – М., 2009.– С.14

¹³ Langacker R. W. Concept, image and symbol: the cognitive basis of grammar. — Berlin: N.Y., 1991.— P.62

¹⁴ Болдырев Н. Н. Концептуальные структуры и значения языковых единиц // Филология и культура. Ч. 1. Материалы международной конференции 12 — 14 мая 1999 года. — Тамбов: Из-во ТГУ. — С. 15-18. Болдырев Н. Н. Когнитивная семантика. Курс лекций. — Тамбов: Из-во ТГУ, 2001. — С.27

¹⁵ Приходько А. Н. Кўрс.манба. –С.80

масалан, иқбол сўзи «исм» концепти бирлиги бўлиши ҳам мумкин. Ушбу икки томонлама асимметрия концепт ва репрезент ўртасидаги сифатий симметрияни келтириб чиқаради.

Концептнинг лексемалар орқали ифодаланиши асносида унинг моҳияти ва ифода плани ўртасидаги воситачи сифатида хизмат қиладиган муайян когнитив-семантик майдон вужудга келади. Вербализациянинг мазкур тури концептнинг прототипик субстантив номинацияси воқеаланишида энг маҳсулдор усул ҳисобланади. Концептнинг синкретик тарзда, яъни бир сўз билан тилга кўчиши баъзан унинг атрофидаги кўшни концептларни ҳам актуаллашувида туртки беради. Масалан, кўплаб концептлар бида (дуаллик ёки бинар оппозициялар - муаллиф)шаклида қўлланилади¹⁶: бахт - бахтсизлик, эркак-аёл, уруш-тинчлик ва ҳ.к.. Триада кўринишида ифодаланадиган концептлар ҳам йўқ эмас: «свобода – воля – совесть», «вера – надежда – любовь». Лингвомаданиятларда концептуал бида ёки триадаларнинг мавжудлиги уларнинг тилда акс этишида муайян ментал бирлик бошқаси воситасида фаоллашувидан, ўз жуфтисиз мавжуд бўла олмаслигидан далолатдир¹⁷. Масалан, тадқиқотимиз объекти бўлмиш бахтлилик ва бахтсизлик дуаллиги ҳам шундай, чунки бахт нима эканлиги бахтсизлик орқали англашилади ва аксинча. Бахт бахтсизликсиз концепт сифатида шакллана олмайди.

Концептнинг синтактик усулда ифодаланиши бирдан ортиқ лексема, яъни сўз бирикмаси орқали амалга оширилади ва мураккаб табиатга эга концептнинг, кенгайтирилган тарздаги номинацияси ҳисобланади¹⁸. Синтактик номинация лексик ифодага қиёсланганда, самарадорлиги паст, бироқ тилда бир сўз билан ифодалаб бўлмайдиган концептлар борки, уларни лисонда конкретлаштириш эҳтиёжи туфайли шу усулга мурожаат қилинади. Масалан, «виждон эркинлиги», «виждон азоби», «халқлар дўстлиги» ва ҳ.к.

Фразеологик вербализация воситалари кўчим асосида шакллангани учун асосан субъектив баҳони ифодалаш учун хизмат қилади ва образли ифода бирликлари ҳисобланади. Фразеологик бирликлар категориясига кирувчи барча воситалар халқларнинг авлоддан-авлодга ўтиб борувчи лингвомаданий тажриба маҳсули сифатида шаклланган ва турли вазиятлар учун мавзулаштирилган бадий-образли репрезентларидир. Фразеологизмлар одатда концептнинг периферик ифода воситаси сифатида қўлланилса, гоҳида ядровий бирлик вазифасини ўтайди, масалан, «оғзи кулоғида» ибораси қувонч сабабли кўтаринки кайфиятни ифодалаб, бахт концептуал майдонининг периферик бирлигини ташкил қилади, чунки ушбу ифода «ҳаётдан қониқиш, тақдирдан розилик» маъносида қўлланилмайди, лекин «пешонаси шўр» ибораси эса бахтсизликнинг ядро номинантини ифодалайди. Концептнинг бадий, эмоционал ва миллий ўзига хос хусусиятлари айнан фразеологизмлар орқали вербаллашади.

¹⁶ Приходько А. Н. Кўрс.манба. – С.83

¹⁷ Приходько А. Н. Кўрс.манба. – С.83

¹⁸ Приходько А. Н. Кўрс.манба. – С.84

Концептосферанинг образли майдон бирликлари ичида метафора ҳам, айниқса, ажралиб туради. Концептларнинг морфологик усулда фаоллашуви ҳам унумдор усул бўлмаса-да, учраб туради. Масалан, эркалов-кичрайтирув аффикслари «меҳр», «эркалаш» каби концептуал майдон периферик бирликлари бўла олади.

Концептнинг лисонда ифодаланишида қўлланилувчи лексик, фразеологик ва синтактик воситалар, гарчи, қўлланилиш доираси ва унумлилик даражасига кўра бир-бирига тенг бўла олмаса-да, уларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳат бор – уларнинг барчаси концептнинг нутқга кўчишини таъминлайди ва лингвомаданиятда турғун сақланиб қолиши ва бир тилдан бошқасига кўчиб юришини кафолатлайди.

Тадқиқот ишимизда биз концептуал таҳлилга концептни лисонда ифодаловчи воситаларнинг номинатив майдон моделини яратиш услуги сифатида қараймиз ва бахтлилик ва бахтсизлик концептлари лексик-семантик майдонининг асосий, яъни актив, қўшимча ва пассив қатламлари бўйича таҳлилни қуйидаги олти босқичли тартибда амалга оширамиз:

1. Концепт талқинига тегишли референт-вазиятларни ўзида акс эттирувчи мисоллар картотекасини жамлаш; ушбу мақсадни амалга ошириш учун турли услуб ва жанрдаги (поэтик, проза, публицистика, илмий-маърифий, сўзлашув нутқи) манбаларга мурожаат қилиш;

2. Концептга тиркалган таянч лексеманинг этимологик таҳлили;

3. Концептга тиркалган таянч лексеманинг лексикографик манбалардаги изоҳларига мурожаат;

4. Концептнинг номинатив майдонини ташкил қилувчи лексемаларнинг майдон тузилишидаги ўрнини аниқлаш (ядро-периферик);

5. Концепт билан синонимик алоқадаги бирликларнинг таянч сўз билан умумий ва хусусий жиҳатлари таҳлили;

6. Концептни тилда образли акс эттирувчи фразеологик воситаларнинг фрейм-слот таҳлилини амалга ошириш.

Маълумки, концептнинг актив ва актуал қатлами сифатида лексикографик манбаларда тавсифланган бош изоҳлар танлаб олинади ва иккиламчи маънолар яқин периферия ва нутқда фаоллик даражаси паст бўлиб, муайян ижтимоий гуруҳлар учунгина актуал белгилари пассив қатламга тегишли бирликлар сифатида таҳлил қилинади. Тадқиқот остидаги концептуал майдон образли ифода воситалари эса фрейм – слот қолипи усулида таҳлил қилинади¹⁹.

Муайян концептнинг «хотираси»га мурожаат қилмасдан туриб, миллий концептосферада унинг қандай ўрин тутганини аниқлаш мумкин эмас²⁰. Этимологик таҳлил ёрдамида концептнинг тилдаги эволюцион ривож, йўқолиб кетган ёки янги пайдо бўлган семантик белгилари ҳааракатининг

¹⁹ Бу ҳақида батафсил учинчи бобга қarang.

²⁰ Воркачев С. Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании //Филологические науки. – 2001. – Т. 1. – №. 1. – С. 64-72.

динамикасини аниқлашдек муҳим жараён амалга ошади²¹. Демак, концепт этимологияси унинг семантик ривож, шунингдек, табиатига хос бўлган ўзгаришларни далиллаш имконини берувчи омилдир. Концептнинг муайян тилдаги этимологик таҳлили унинг номинатив майдонини аниқлашдаги илк қадамдир.

Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган «бахт» ва унинг антиконцепти генезиси ҳақида сўз юритилар экан, айтиш жоизки, эски туркий адабий тили босқичига хос бўлган даврда бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш деярли хос бўлмаганлиги туфайли мазкур лексик бирликлар учрамайди²². Қадимги туркий тил учун хос бўлиб, «бахт, толеъ» маъноларида қўлланилган «қут» лексемаси ва унинг ҳосилалари эски туркий адабий тили даврига фаол қўлланилган. Мазкур лексеманинг диахроник таҳлили шуни кўрсатдики, этимологик луғатларда асосан унинг ҳосилалари изоҳланган²³, фақат Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «қут – бахт, давлат»²⁴ сифатида таърифланса, В.М.Наделяев ва бошқалар таҳрири остида чоп этилган «Древнетюркский словарь» изоҳли луғатида унинг семантикаси ҳақида батафсилроқ маълумот берилган:

QUT I 1. душа, жизненная сила, дух; 2. календ. элемент;

QUT II 1. счастье, благо, благодать, благополучие; удача, успех, счастливый удел; 2. перен. достоинство, величие; 3. рел. состояние истинного бытия, блаженства²⁵.

Ушбу лексеманинг генезиси ҳақида яна ҳам кўпроқ маълумот олиш мақсадида Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг талқини устида изланиш олиб борган қозоқ тилшуноси А.Т.Хамраев тадқиқотларига мурожаат қилдик. Олимнинг таъкидлашича, қадимги туркий адабий тилда «qut» кўп маъноли сўз бўлиб, туркий тилларнинг кўпчилигида мавжуддир. Уларнинг барчасида «қут» *руҳ, руҳий куч, жасорат, омад, толеъ, фаровонлик, давлатнинг буюклиги, куч-қудрат* сингари мафкуравий концептларни ифодаловчи анъанавий ва муқаддас тушунча сифатида қўлланилган²⁶.

Яна бир қизиқ ҳолат шуки, қадимги туркий адабий тил давридан буён мавжуд бўлган «қутқар», ҳозирги уйғур тилидаги «қутраш» (ўйланмоқ), «қутулсун» («халос бўлмоқ») ва ҳ.к. каби паронимик вариациялар туркий тилларнинг деярли барчасида фаол (қирғиз, қозоқ, татар, туркман ва ҳ.к.).

²¹ Валюкевич Т.В. Семантикоэтимологический анализ лингвокультурного концепта ВНЕШНОСТЬ / Т.В. Валюкевич // Весник Харьковского национального университета им. В.Н.Каразина. – Харьков: ХНУ им. В.Н. Каразина, 1964. – №93: Серия: Романогерманская филология. Методика преподавания иностранных языков. Вып.68. – 2011 (1460 а). – С. 155-159.

²² Турсунов У., Уринбаев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи //Т.: Ўқитувчи. – 1995. – Б.117

²³ Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на гласные/ АН СССР.Ин-т языкознания. -М.:Наука,1974.-768с; Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на буквы 'К', 'Қ' / Авт. сл. статей Л. С. Левитская, А. В. Дыбо, В. И. Рассадин. М., 1997;

²⁴ Қошғарий М. Девону луғотит турк. Уч жилдли. 1-ж //Т.: Фан, 1960.– Б.80

²⁵ Наделяев В. М. и др. Древнетюркский словарь. Ленинград: Наука, Ленинградское отделение, 1969. — С.471

²⁶ Хамраев А.Т. Имперсональные мегаобразы Баласағуни // Мысль. - 2017.- №10. – С.51-56

Шунингдек, туркий тилларнинг кўпчилигида форс тилидан ўзлашган «Худо» сўзи ҳам, гарчи кўплаб тилшунослар томонидан этимологик ўзаклари умуман бошқа сўз сифатида талқин қилинса-да, қозоқ ва қирғиз тилларида ўша маънони ифодаловчи, бироқ орфоэпик ва орфографик жиҳатдангина фарқли бўлган «Қўдай» лексемаси билан илдизлари бир бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Сабаби, форс тили ҳам бу бирликни қадимги Ҳинд тилларидан ўзлаштирган ва қадимги турк тилидаги «Qut», «qudur» «qutyр», араб тилидаги «qutrat» ҳозирги замон туркий тилларда фаол бўлган «худа», «қўдай» ва «қўда» лексемалари илдизи бир бўлган, бироқ метаморфозга учраган бирликлар бўлиши мумкин деган фараз ҳам йўқ эмас. Кўплаб тилшунослар таъкидлашича, мазкур сўзлар дастлаб диний-илоҳий характер хос бўлган вазиятлар учун қўлланилган. «Қут» сўзи VI–IX асрлар қадимги туркий руник қўлёзмаларда Худонинг ердаги элчисига нисбатан ишлатилган. Маълумки, қадимги уйғур халқи асос солган давлат Идикут («Муқаддас қутлар, яъни илоҳлар юрти») дея аталган. Демак, айтиш мумкинки, мазкур халқ талқинида ҳам «қут» худди туркийлар тилидаги «худа», «қуда», «қудай» сўзлари каби илоҳий куч билан боғланган ва бахт ва фаровонликнинг юқори чўққиси билан боғлиқ талқинга эгадир. Бу эса, шундан далолат берадики, инсонлар дастлаб бахтни илоҳий кучларнинг иштироки билан боғлаган бўлиб, бу ўша даврга хос дунёқарашни тўлиқ акс эттиради²⁷.

Кўринадики, бахтлилик ва бахтсизлик қадим-қадимдан инсоният томонидан тақдир томонидан инъом этилган улуш, илоҳий инъом сифатида талқин қилиниб, даврлар оша бахт бахтсизлик майдони кенгайган, инсонлар лисоний онгида антропоцентриқ қарашлар ривожланган, пировард натижада концептга турли маъно оттенкалари қўшилган, бахтлилик ва бахтсизлик меъёрлари ҳам ўзгариб борган, бу эса, ўз навбатида, лисонда аксини топган.

«Happiness» ва «unhappiness» лексемалари луғавий манбаларда инсоннинг ўз ҳаётидан қониқиш ёки қоникмаслик ҳиссини ҳосил қилишини таъминловчи эмоционал ҳолатидир. Диахроник таҳлиллар шуни кўрсатдики, мазкур бинар оппозиция табиати ва талқини даврлар оша муайян ўзгаришларга учраган. Уольтер Скит томонидан 1881 йилда тузилган «An Etymological Dictionary of the English Language» да қуйидаги маълумотлар келтирилган:

***НАР**, fortune, chance, accident. (Scand.) M. E. hap, happ ; P. Plowman, B. xii. 108; Layamon, 816, 3857. — Icel. happ, hap. chance, good luck. Cf. A. S. gehcƿp, fit ; JEMnds Colloquy, in Thorpe's Analecta, p. 21, l. 7 ; also A. S. m<Egenhcep. full of strength, m6dh<xp, full of courage, Grein, ii. 219, 259. ^ The W. hap, luck, hap, chance, must be borrowed from E. ; but the Irish cobh, victory, triumph, is prob. cognate. Der. happ-y, orig. lucky, Pricke of Conscience, 1334 ; happ-i-ly, happ-i-ness ; hap-less, Gascoigne, Fruits of War, St. 108; hap-less-ly; hap-ly, Shak. Two Gent. i. I. 32 {happily in the same sense, Meas. iv. 2. 98) ; hap-*

²⁷ Хамраев А.Т. Кўрс.манба. – С.55

*hazard, Holland, tr. Of Livy, p. 578 (K.) ; happ-en, verb, q. v. ; mis-hap, perhaps*²⁸.

«Happiness» лексемаси этимологик маълумотларга кўра «happy»нинг ҳосиласи сифатида 1520 йилда қўлланила бошлаган. Аслий «happy» лексемаси XIV асрнинг ўрталарида «hap» ўзагидан келиб чиққан бўлиб, «lucky», яъни «омадли» маъносида қўлланилган. С. Г. Воркачевнинг таъкидлашича, мазкур лексема, ўз навбатида, «келажак билан боғлиқ бўлган сеҳрли иш-ҳаракатга йўл олиш» маъносини билдирувчи «kobb-» ҳинд-европа ўзагига бориб тақалади²⁹. Мазкур концептга тааллуқли яна бир жиҳат шуки, унинг дериватлари сифатида happen, happy, haply, happily; haphazard, hapless, unhappy, perhaps, mishap, happily, happiness каби сўзлар ҳосил бўлган. Уларнинг барчаси «воқелик», «тақдир», «омад» каби семалар асосига қурилган бўлиб, даврлар ўтиши билан метонимия асосида маъно ўзгаришларига ёки қўшимча сема белгиларига эга бўлган³⁰.

XIV асрнинг охирига келиб эса «very glad» (жуда ҳам хурсанд) маъно оттенкаси ҳам қўшилади. XVI асрнинг биринчи ярмига келиб, «good fortune» (толеъ), сўнгига келиб эса «pleasant and contented mental state» (ёқимли ва қониқарли руҳий ҳолат) каби маъно товланишлари вужудга келди³¹. «Unhappiness» (бахтсизлик) антиконцепти инкор префикс орқали ясалган ҳосила бўлиб, юқорида келтирилган талқинлар билан оппозитив муносабатда бўлиб, XIV аср ўрталарида этимологик луғатларда унинг «unfortunate, unlucky» (толесиз, омадсиз), охирларига келиб эса «miserable, wretched» (ғамгин, қайғуга ботган) сингари маънолар ҳам қўшилиб боради³². Мазкур ҳолат гап кетаётган бинар оппозициянинг даврлар оша табиати, таркиби ва талқинидаги ўзгаришлардан далолат беради. Демак, бахтлилик ва бахтсизлик семантикасидаги ўзгаришлар дастлаб мифологик тафаккур, сўнгра объектив ёндашувлар асосида антропоцентрик талқин замирида юз берган бўлиб, бундай ўзгаришлар доим динамик тарзда қолади.

